

Mustaqillik huquq demakdir

# HUQUQ

#23

(286)

YURIDIK GAZETA

Iyun					
D.	2	9	16	23	30
S.	3	10	17	24	
Ch.	4	11	18	25	
P.	5	12	19	26	
J.	6	13	20	27	
Sh.	7	14	21	28	
Y.	1	8	15	22	29
2003					

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

E-mail: [Info@huquq.uz](mailto:Info@huquq.uz)

## ҲАМКОРМИЗ, ҲАМФИКРМИЗ



### ЭЛ ДАРДИГА МАЛҲАМ ИЗЛАБ...

Номингагина ўтказилган йигилишларни кўп кўрганман. Қарор олдиндан тайёрланарди, ҳўжақўрсинга муҳокама, мунозара бўларди.

4-бет



Озодликдан махрум этилган шахс мажбурий меҳнатга жалб этилганда унга ҳақ тўланадими?

5-бет

### Чоршанбадан Чоршанбагача

4 июнь

Оқсаройда Президент Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Б.А. Исломовни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида»ги ва «Б.А. Исломовга Фавқуллодда ва мухтор элчи дипломатик мартабасини бериш тўғрисида»ги Фармонлари матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

5 июнь

Андижонда республикамиз касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ўқувчилари ўртасида анъанавий «Баркамол авлод» спорт мусобақалари бошланди.

6 июнь


Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми бўлиб ўтди. Унда солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларнинг судлар томонидан қўлланилишига оид масала муҳокама этилди.

TAQDIMOT

### ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА


Мустақилликка эришганимиздан буюн барча соҳаларда ўзгаришлар юз берди. Бирок ушбу жараён камчиликлардан ҳам холи эмас. Мисол учун, Президентимиз 1997 йилдаёқ «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» асарида коррупция жиноятчилигининг инсониятга етказётган моддий ва маънавий зарарлари ҳақида бонг урган эди. Бирок унга қарши курашиш ишлари етарли даражада эмас, назаримизда. Шунинг учун бу иллатнинг бутун дунёда чуқур илдиз отиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Мазкур иллатнинг муайян мамлакат суд-ҳуқуқ тизими доирасида илдиз отиши аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу маънода, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида конференция бўлиб ўтган эди. Яқинда Тошкент давлат юридик институти нашриётида конференция материаллари асосида Республика Бош прокурорининг 1-ўринбосари Азимжон Эргашев таҳрири остида «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятидаги коррупция: унинг ўзига хос хусусиятлари ва унга қарши курашиш усуллари» номли қўлланма чоп этилди. У долзарблиги билан ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.



Ўтган жума кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни тарғиб қилишда прокуратура органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

(Конференция ҳақидаги мақола билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз)



Изчил олиб борилган қидирув натижасида мазкур қотиллик бир ҳафта ичида фош этилди.

6-бет



1974 йилнинг 9 августини Никсон умр бўйи ёдидан чиқармаган бўлса керак. Чунки бу сана у ҳокимият тепасида турган охириги кун эди.

ПРЕЗИДЕНТ НИХСОННИНГ ИСТИЁФОСИ

7-бет

### ЖИНОЯТНИ СОҶДА

Муҳокама

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ БОРМИ?

HAMKORLIK

ЖАМОАТ ФОНДЛАРИ — ҲУҚУҚИЙ КЎМАКЧИ

Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманида ҳам бир неча жамоат фонди фаолият кўрсатмоқда. Улардан «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармасининг ишини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Туман прокуратураси ва ушбу фондлар ўртасида мустахкам алоқалар ўрнатилган. Айниқса, олиб борилаётган тарғибот ишларида улар катта кўмак бермоқда. 2003 йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллаларда, хўжаликларда ўтказилган 47 тадан ортиқ тадбирлар бевосита ушбу жамғармалар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Айни пайтда туман прокуратураси ушбу жамғармаларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Прокуратура кўмағида «Нуроний» жамғармаси хузурида ташкил этилган фермер хўжалиги ва дўконлар фаолиятдан олинган бир миллион сўмга яқин фойда қарияларни қўллаб-қувватлашга сарфланди.

В.НОРБЕКОВ, Шароф Рашидов тумани прокурорининг ёрдамчиси

PROKURATURA YORDAM BERDI

«КАССАДА ПУЛ ЙЎҚ»

Деган гап иш ҳақини тўлашни кечиктиришга баҳона бўла olmayди

Иш ҳақидан қарздорлик масаласи туманларда катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Кўпгина корхона, муассаса ва ширкат хўжаликлари ходимлари меҳнатига ўз вақтида ҳақ тўлашни асоссиз равишда кечиктириб юборишапти. Бу эса фуқароларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлади.

Корақалпоғистон телерадиокомпаниясининг бир гуруҳ ходимлари томонидан ёзилган ариза бўйича ўтказилган текширишда телерадиокомпания кассири Г.Айекеева декрет таътилига чиққан Б.Аскаронининг 62 минг сўмдан зиёд, Т.Нуримовнинг 19 минг сўмдан зиёд пулини январь ойида тўлов ведомостига ўзи имзо қўйган ҳолда ўзлаштирилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, терговга оширилди.

— Нафақа ҳисобига кун кечираман, — дейди нуқуслик Г.Сейтекова. — Маошимни ололмаётганим туфайли коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда қийналяпман. «Нукус балиқ» акциядорлик жамиятидан 50 минг сўм нафақа пулини ундирма олмай бир неча ойдан буён сарсонман.

Текширишда аризаچи ҳақ бўлиб чиқди. Прокуратура аралашуви билан унинг нафақа пули тўлиқ ундириб берилди. Бундан ташқари, иш ҳақидан қарздорлик келиб чиққанлиги аниқланиб, жамият бош ҳисобчиси ва раҳбари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Кегайли тумани МТП давлат акциядорлик жамияти раҳбарлари ҳам «кассда пул йўқ» баҳонасида 171 нафар ходимнинг 7 млн. сўмдан зиёд иш ҳақини тўлашни узоқ вақт пайсалга солиб келишган. Бундай қонунбузарлик бартараф этилиб, айбдорлар суд томонидан тегишлик жазоландилар.

Ш.АБЕРКУЛОВ, Корақалпоғистон Республикаси прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи

UCHRASHUV



КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Хонка туман прокуратураси хузурида «Гийёҳандликка қарши курашувчи ёшлар клуби» ташкил этилган бўлиб, ўрта мактабларнинг 35 нафардан зиёд юқори синф ўқувчилари унинг аъзоларидир. Клубда туман «Маънавият ва маърифат», «Камолот» бўлимлари билан ҳамкорликда ҳуқуқий муҳофизат қилувчи органлар раҳбарлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари, фан ва адабиёт намояндалари, журналистлар билан турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиш аънъанга айланган.

Яқинда ўтказилган мулоқот Президент Исроил Каримовнинг иккинчи чақирим Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакл-

лантиришнинг асосий йўналишлари» номи маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳофизатига бағишланди.

Суҳбатда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қ.Аъзамов, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими Ш.Жумаев, Хоразм вилояти «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Г.Ибодуллаева, шу марказ бош мутахассиси М.Сафаевалар иштирок этишди.

Учрашувда жамиятимизнинг ижтимоий тарққиётда самаралар натижаларга эришиш учун энг аввал ҳар бир инсон қалбига миллатимизга хос маънавий-ахлоқий ғояларни синдириш бугунги кундаги асосий вазифа эканлиги таъкидланди.

Шухрат АБДАЛНИЁЗОВ, Хонка тумани прокурори

QONUN IJROSI

ЎЗБОШИМЧАЛИК КЕЧИРИЛМАЙДИ

Бирор кунимизни ҳам оловсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, хонадон бекалари учун табиий газ анча қўлайликлар яратди. Лекин ана шу бебаҳо бойлигимиздан яширинча фойдаланаётганлар ҳам топилди. Бундай ҳолатларни аниқлаш ва уларга қарши кескин чора кўриш Бухоро туман прокуратураси ходимларининг диққат марказида. Мутахассисларни жалб қилган ҳолда аҳолининг табиий газдан фойдаланиш тартибини белгилувчи қонунлар ижроси ўрганилди. 25 январьга таъбиий газдан фойдаланувчи хонадонлар 17.237 та бўлгани ҳолда, улардан атиги 2482 тасига газ ўлчовчи қурилма ўрнатилган. Бу газдан оқилона фойдаланилмаётганидан далолатдир.

Маълум бўлишича, аҳоли ўртасида табиий газдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатлари талайгина. Жумладан, фуқаро Э. Собиров газдан ҳеч қандай ҳужжатсиз фойдаланиб, туман газ корхонасига 74 минг сўмлик зарар етказган. Жқнинг 101-моддаси 1-қисми билан унга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди.

Чорбақр қишлоғида истиқомат қилувчи Қ.Аминовнинг қилмиши ундан-да ошиб тушди. У ўзбошимчалик билан гишт хумдонига газ улаган. Унинг бу кирдиқори туфайли туман газ корхонаси 289.800 сўмлик зарар кўрган. Қ.Аминовга нисбатан ҳам тегишли жазо қўлланилди.

Давлат мулки дахлсиздир. Унга қўз олайтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Инсонийликни, қолларини, фуқаролик ҳуқуқини англаб еткериш бундай нопок ишларга қўл урмайди. Акс ҳолда кун келиб, жазосини олиши шубҳасиз.

Давлат СОИБОВ, Бухоро тумани прокурори

QAROR VA IJRO

БОЗОР БОЗОРДАЙ БЎЛСИН

Халқимизда «отанг бозор, онанг бозор», деган бир мақол бор. Бунинг замирида қанчалар чўнг маъно ётишини ҳамма ҳам тасаввур қила олмас керак.

Ҳовлининг супуриб-сидирилганлиги, ошхона анжомларининг чиндидай ярақлаб туриши уй бекасининг, келиннинг ўқувлигидан далолат берса, бозорларининг саранжом-саришталлиги, пештахталарнинг ноз-неъматларга тўлиқлиги халқимизнинг турмуши фаровонлигидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, бозор ўзбек халқининг юз-қўзи десак, хато бўлмас.

Мирзо Улугбек туман прокуратураси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 августдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қи қарори ижроси юзасидан «Наврўз универсал бозори» ОТАЖга қарашли «Ширин» бозоридаги вазиятни ўрганиб чиқди. Текшириш натижасида бу бозорда санитария-эпидемиология қондаларига риоя этиш юзасидан жиддий камчиликларга йўл

қўйилаётганлиги, баъзи хусусий тадбиркорлар тегишли ҳужжатларни олмасдан савдо қилаётганлиги, баъзиларининг эса ҳужжатларида кўрсатилган товарлар билан сотилаётган товарлар номенклатураси ва миқдори мос келмаслиги, савдо ва умумий оватланиш шаҳобчаларида назорат-касса машиналарини ишлатмасдан савдо қилиш, бозор ҳудуди ва атрофида эски-туски буюмлар билан тартибсиз равишда савдо қилиш ҳолатлари аниқланди. Буларнинг барчаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган қарори талаблари қўпол равишда бузилаётганлигидан далолат беради.

Туман прокуратураси томонидан кўрсатилган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан «Тошбозортайёрловсавдо АЖ» уюشمаси раисини, Тошкент шаҳар ДСЭНМ бош шифокори ва туман ҳокими номларига тақдимномалар киритилди.

И.БОЗОРОВ, Мирзо Улугбек туман прокурорининг ёрдамчиси

PROKUROR NAZORATI

КИССАГА ИШЛОВЧИ РАИС

Мараҳмад Аҳмедовнинг касби ўқитувчи эди. Болаларга рост-гўйлик, тўғрисиқлик, ҳалолликдан сабоқ бериб келган муаллимнинг тили бошқа-ю, дили бошқалиги аён бўлиб қолди. Мансаб ҳам бир синов, имтиҳон. Афсуски, эллик ёшга кирган, оқ-қорани таниган ўқитувчи бу имтиҳондан ўта олмади.

Фурқат тумани ҳокимлиги сиртидан ҳалолу пок, юртпарвар бўлиб туялган М.Аҳмедовни «Фалкорлар» фуқаролар йиғини раислигига муносиб деб топди. Ҳақиқатдан ҳам дастлабки йили у бу лавозимда бекаму кўст ишлади. Ишининг паст-баландини обдон ўрганган раис аста-секин пул топшининг қинғир йўлларини «ихтиро» қила бошлади.

Қишлоқ фуқаролар йиғини идораси кўмир ёқиб иситилар, ҳар қиш арафасида ёнилғи ажратилар эди. Раис 2002 йил қиш мавсуми учун келтирилган кўмирнинг ярми — 4,5 тоннасини Боғубўстон қишлоғилик таниши Мадамин Оқбоевга 30 минг сўмга сотиб юборди. Қолган ярмини ўз уйига туштирди. Баҳона — идорада уни сақлайдиган омбор йўқ. У ердаги печкани иситиш учун уйдан ўн бир қоп кўмир келтириб қўйди.

Раис ишбилармонлигининг яқин кўрсаткичи раиснинг кашф қилди. У қишлоқларда тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқароларга янги ҳақ «жой ҳақи» солиғини жорий этди. 2001 йил Тиллатепа қишлоғида сартарошхона очган Б.Тўйчиев билан 2002 йил бошида сохта шартнома тузиб, март ойидан декабрь ойигача 49.100 сўм «солиқ» ундирди. Раисга ишонган, қонунга хилоф талабларини қонуний деб ўйлаган тадбиркорлар Г.Мусурмонқулова, У.Матмуродов, М.Уриновлар билан ҳам шартнома тузиб, улардан сохта кириш ордерлари орқали 103.000 сўм «тўловни қабул қилиб олиб, шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборди».

Соғда одамларни лақиллатиш «малакаси» ортиб борган М.Аҳмедов нотариуслик «ваклати»ни ҳам зиммасига олди. Уй-жойларнинг олди-сотди шартномасини расмийлаштириб, «хизмат ҳақини»ни жигиднонига увраверди. 2001 йилдан 2002 йил август ойига қадар 6 та уй-жой олди-сотди шартномасини ноқонуний расмийлаштириб, 121 минг сўмдан зиёд «хизмат ҳақи» ундирди.

Қишлоқ фуқаролар йиғинида мулкнинг сақланишига оид қонунчилик ижроси юзасидан умумий назорат тартибиде ўтказилган текширишда аниқланган юқоридаги ҳолатлар бўйича раис М.Аҳмедовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Фурқат туман суди мазкур ишни кўриб чиқиб, М.Аҳмедовга нисбатан тегишли жазо тайинлади.

Қ.МУСАЕВ, Фурқат тумани прокурори

Моҳият

Ёлғонлиги

азалдан маълум гапни

ҳақиқат дейишдан ҳам ортиқ ҳаёсизлик йўқ.

ҚОБУС

NAFS BALOSI

ТУЯХЎРЛАР

Учқудуқ туманида олдиндан жиний тил бириктириб, фуқароларнинг мол-мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш билан шуғулланиб келган, чорва молини ўғирлашга «ихтисослашган» жиний гуруҳ қилмишларига чек қўйилди.

Ўтган йилнинг ўрталарида муқаддам иккинчи маротаба судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган Жумагали Сериев гуруҳи аъзолари дастлабки фаолиятини С.Айтмуратовга тегишли бўлган 250.000 сўмлик ҳўқинини ўғирлашдан бошлашди. Улар тур қоронғусида заводнинг шимолий томонида ўтлаб юрган чорва молини сўйиб, гўштини М.Маҳмаевга тегишли бўлган автомашинага юклаб, Зарафшон шахрига олиб бориб сотишди. Ўғирлик молидан келган пулларни эса тегишлилик тақсимлаб олишди.

Пуллари тугаганда янги режалар орзусида ҳаракат бошлашди.

— Молдан кўра, яйловда туядан кўпи йўқ. Ҳафтасига биттаси йўқолиб қолса, ҳеч ким билмайди ҳам, — дея тақлиф қилди Жумагали.

Шундан кейин бир ой давомида К.Танжариковга тегишли бўлган 800 минг сўмлик, А.Матосупов, К.Абдухаликов, Г.Тилеқбоевларнинг 800-900 минг сўмлик жами 4 баш туяси яйловдан сирли равишда «ғойиб» бўлади. Ўғирлар туялар гўштини Зарафшон шахридаги қассобхона эри ошхоналарга сотиб юборишди.

Халқ молини еган халқумидан илинар, деганларидек, ўғирларнинг жиний фаолияти тезда фош этилди. Уларнинг барчасига суд ҳўқими билан тегишли жазолар тайинланди.

Толлибой ТУРДИМОВ, Учқудуқ туман прокурори

RES PUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)  
**Конференцияси Республика Бosh прокурорининг ўринбосари П.Божонов олиб борди.**

— Мустақилликнинг илк давриданок Республика Бosh прокуратураси тизимига ошкорлик бериш мақсадида ОАВ билан ўзаро ҳамкорликни бошлаган эдик. Қилган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини берди, — деди П.Божонов. — Бугунги кунда Республика Бosh прокуратурасининг муассислигида «Қонун ҳимоясида» журнали, «Хуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» телегуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Вилоят прокуратуралари ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси муассислигида хуқуқий газеталар чоп этилмоқда. Уйлайманки, бу ишларимиз жойларда қонунларни тарғиб қилишда, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда ижобий самара берди. Албатта, бу ишларда журналистларнинг хизмати катта эканлигини доим эътироф этиб келганмиз. Лекин, хиссиётга берилиб бир томонлама ёзилган мақолалар ҳам айрим газеталаримизда чоп этилмоқда. Мазкур илмий-амалий конференциядан мақсадимиз ўртадаги муаммоларни очик-ойдин гаплашиб олишдир. Уйлайманки, бу икки томон учун ҳам фойдали бўлади.

Конференцияда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан бошланган суд-хуқуқ соҳасидаги туб ислохотларни ҳаётга самарали ва изчил татбиқ этиш, хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жумладан, прокуратура органлари фаолиятида қонунийлик, ошкоралик, адолат ва демократия таъминининг қарор топиши кўп жиҳатдан ОАВ фаолиятига боғлиқлиги таъкидланди. Аҳолининг хуқуқий маданиятини оширишда қонунлар, жумладан, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи хуқуқий-норматив ҳужжатларни кенг тарғиб қилиш долзарб аҳамият касб этаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда олим ва амалиётчилар маърузалари билан қатнашдилар. Мунозараларда республика газеталарининг хуқуқий мавзуда ёзгандиган журналистлари қатнашиб, соҳадаги муаммолар ҳақида мулоҳазаларини билдиришди.

**Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори:**  
 — Ҳар бир соҳадаги муаммо ва камчиликларни аниқлашда ижтимоий фикрнинг ўрни беқиёс. Марказимиз мамлакатда барча соҳа-

ҳотларни амалга оширишда матбуотнинг, телевидение ва радионинг ўрни беқиёс.

«Сиз суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотларга оид хабарларни қаердан оласиз?» деган сўровимизга 80 фоиз фуқаролар телевидениедан деб жавоб берган. 20 фоизи бу соҳага оид хабарларни радио ва газеталардан олишини айтган. Бугунги кунда, назаримда, радионинг имкониятларини кенг фойдаланиш керак. Бозор иқтисодиёти шароитида радио энг арзон ахборот тарқатувчидир.

Газеталарга келсак, тўғриси, босма нашрнинг қулайликлари кўп. Газетани кўлма-кўл ўқиш мумкин. Лекин бугунги конференцияда фикр

лар, Ўзбекистон миллий университети ҳам журналист, Маннон Уйғур номли санъат институти санъатшунос-журналистлар тайёрлаб беради. Бирок, у даргоҳларда тайёрланган кадрлар талабга жавоб бермайди.

Кадрлар муаммосини ҳал қилишнинг янги усулларини тавсия қилиш керак.

Менимча, икки йил университетда тахсил олган талабани ихтисослиги бўйича ўқитиш зарур. Хуқуқшунос-журналистлар юридик институтда, журналист-иқтисодчилар иқтисодиёт университетида ва шунга ўхшаш. Ёки Олий журналистика мактабини ташкил қилиб соҳа бўйича махсус курсда ўқитишни йўлга қўйиш лозим.

Мақсад соҳа журналистларини тайёрлаш экан, дунё журналистикасидаги яхши томонларни ҳам

**Гулнора ҲАМПОЕВА, Жиззах вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси:**

— Суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ижтимоий адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш ишларини халқнинг онгига етказиб беришда хуқуқий нашрларнинг ўрни беқиёс. Суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асл муаммоларини биринчи гада инсон хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Бosh прокуратуранинг қонунларни муҷассамлаштириш ва хуқуқ тарғибот бўлимида жойлардаги прокурорларимиз ОАВда 10,494 марта чиқиш қилганлиги ҳақидаги маълумотга кўзим тушди. Бунинг ортида катта меҳнат ётибди. Бу ишларни прокурорларимизнинг журналистлар билан ҳамкорлиги

лан халқ ўртасидаги кўприк вази-фасини ўтапти. Эндилкида фуқаролар прокуратурага қаҳри қаттиқ, жазоловчи жазо орган эмас, ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилувчи орган сифатида қарай бошладилар.

Бухоро вилояти прокуратураси муассислигида чоп этилаётган «Адолат нури» газетаси чиқа бошлаганига қарийб етти йил бўлапти. Вилоят хуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ўнлаб ходимлари доимий муаллифларимиздан. Тўғри, одамлар дунёқараш ва тафаккури кийинчилик билан ўзгарапти. Демак, прокуратура билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, уни давр талаблари даражасига кўтариш лозим. Хуқуқий мавзуда эълон қилинаётган ҳар бир мақола тағзиминида қадриятларимиз, ҳақ-хуқуқни эъзозлаш, қонунларни ҳурмат қилиш руҳи устувор бўлиши керак. Шундагина ҳамкорликнинг ўзига хос қирралари ёрқин намойи бўлади.

**Иброҳим ҒАҒУРОВ, Олий Мажлис депутати, ёзувчи:**

— Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романини ўқимаган китобхон бўлмас керак. Мен ушбу асарни ўзбек тилига ўғираётганимда ўша жамиятдаги фожеалар кўз олдимдан кетмади. Судхўр кампирнинг Раскольников томонидан ўлдирлиши сабабини адиб ўша жамиятдан кидиради. Бу аслида тўғри гоё. Жамият адолатли бўлса, одамлар адолат учун курашиб яшайди. Аксинча бўлса-чи...

Журналистлар адолат учун курашувчи инсонлардир. Ҳама ҳам журналист бўлавермайди. У секин-аста шаклланиб, олий маълумот олиб, сўнг ҳаёт қозонида қайнайди. Мен фурсатдан фойдаланиб, катта аудиторияга айтмоқчиман. Журналист жамият тараққиёти учун хизмат қилади. Прокурор эса қонунлар билан ишлайди. Агар икки куч бирлашса, жамият бундан фаяда ютади. Конференциянинг менга ёққан томони шуки, прокурорлар бизни очик мулоқотга чақирди. Фурсатдан фойдаланиб томонлар ўз муаммоларини ўртага қўйиб ҳал қилиб олиш керак деб ўйлайман.

**Эркин АБЗАЛОВ, Республика Бosh прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори:**

— Бугунги конференциямиздан мақсад журналистлар билан очик мулоқотга киришиш эди. Уйлайманки, қўзланган мақсадга маълум маънода эришдик. Энг асосий муаммолар рўй-рост гапирилди.

Мустақиллик йилларида 400 га яқин қонун, 15 та кодекс қабул қилинди. Эндиги вазифа қабул қилинган қонунларни ва Конституциямиздаги ўзгаришларни халққа

# ҲАМКОРМИЗ, ҲАМФИКРМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратурасида «Суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотларни тарғиб қилишда прокуратура органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

билдирган бosh муҳаррирларнинг сўзларига қараганда, газеталаримиз чекка қишлоқларга етиб боришида анча муаммолар бор экан. Назаримда, нафақат суд-хуқуқ соҳасидаги, балки маданият, маънавият, сиёсат соҳасидаги ислохотларни тарғиб қилишда ОАВнинг кучидан фойдаланишимиз керак.

**Абдуҳалиқ АБДУРАЗОҚОВ, «Қонун ҳимоясида» бирлашган таҳририяти бosh муҳаррири:**

— Юртимизда мустақилликкача биронга хуқуқий нашр бўлмаган. Бизнинг «Qonun himoyasida» журналимиз ва «Ниқуқ» газетамиз мустақиллик фарзанди сифатида дунёга келди. Кўп ўтмай бу эзгу ишлар вилоятларга ҳам тарқалди. Бугунга келиб Республика прокуратураси органларининг тасаруфидида 15 га яқин газета чоп этилапти. ИИБ, Солиқ ва Божхона

қўмиталари ҳам ўз нашрларига эга. Ўзбекистон телерадиокомпаниясида бир қанча хуқуқий мавзуда кўрсатув ва эшиттириш тайёрлайдиган журналистлар ижод қилмоқда.

Бугунги ҳаётнинг ўзи малакали хуқуқшунос-журналистга катта эҳтиёж сезмоқда. Тўғриси, ҳамма журналистларимиз хуқуқий жиҳатдан саводли дея олмаيمиз. Сабаби, улар хуқуқшунос эмас. Бу муаммо уларнинг ижодида яққол сезилиб қолмоқда. Жаҳон тиллари университети халқаро журналист-

ўргансак, фойдадан холи бўлмайди.

**Муаттар АСҚАРОВА, Ўзбекистон телевидениеси муҳбири:**

— ЎЗТВнинг «Ахборот», «Давр», «Ассалом, Ўзбекистон» каби кўрсатувларини кўриб бораётган томишбиллар албатта Республика Бosh прокуратураси фаолиятига оид лавҳаларга кўзи тушади. Менинг назаримда ҳамкорлигимиз ёмон эмас. ЎЗТВ суд-хуқуқ ислохотларининг тарғиботи бўйича яхши ишлар қилмоқда.

Бугунги конференцияда нафақат ютқуқларимиз, балки камчиликларимиз ҳақида ҳам рўй-рост гапириб оلسак яхши бўлади. Мен хизмат юзасидан вилоятларда кўп буламан. Тўғриси, баъзи туман прокурорлари, айрим прокурор ёрдамчилари билан тил топишиш қийин бўлади. Уларда прокурорлик маданияти етишмайди.

Биз журналистларга шундай муомала қилса, оддий деҳқонга ёки ишчига қандай муносабатда бўларкан деган ҳақли савол тугилади. Мен бу сўзларим билан кўпчилик туман прокурорлари ёки уларнинг ёрдамчилари шундай деган фикрдан йироқман. Прокуратура — адолат уйи. Унга одамлар бекордан-беқорга келмайди. Шундай экан, уларга яхши муомала қилиш керак, тўғри йўлни кўрсатиш зарур. Ана шундангина прокуратуранинг хурмати ортади.

Мен бу конференция ташкилотчиларига миннатдорчилигини билдирмоқчиман. Биз журналистларни очик мулоқотга чақирган экансизлар, бундан хурсандимиз. Уйлайманки, ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланади.

меваси деб баҳолайман. Қабул қилинган ҳар бир қонун, қарор ва фармон одамлар қалбига етиб бориши керак ва шарт. Ана шундангина фуқароларимиз ҳақ-хуқуқларини англаб етади. Бугунги прокурорларнинг зиммасида юклар анчагина, у нафақат қонунлар ижросини назорат қилиши, балки уларнинг тарғиботчиси бўлиши керак.

**Валиқон ЮСУПОВ, Бухоро вилояти прокуратурасининг «Адолат нури» газетаси бosh муҳаррири:**

— Бугунги анжуманимиз аҳамияти гоё катта. Гап маъруза ўқиб, кимларнингдир фикрини қўллаб-қувватлашдан иборат эмас. Келинг, нуктаи назаримизни ошқора ифода этайлик.

Қонун устуворлигини таъминлаш, шайхасола, жамият ва давлатнинг хуқуқ ва манфатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг хуқуқий маданияти ва онгини ошириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим шартидир.

Матбуот жамоатчилик назорати ўрнатилиши муҳим воситаси эканлигини эътиборга оلسак, хуқуқий матбуотнинг асосий ташкилотчиси ва ташаббускори бўлган прокуратура органлари демократиянинг олдинги сафларида бораётганлигини яққол ҳис этиш мумкин. Хуқуқий нашрлар прокуратура би-



лардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиб боради. Сўровларимиз, ҳаммага маълумки, ҳеч қандай таъйинсиз, ихтиёрий равишда ўтказилади. Яқинда одамларнинг хуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларга бўлган ишончини билиш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиб чиқдик.

Ташкиллар хали кўпгина фуқаролар хуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ишончсизлик билдиришини кўрсатган. Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Суд-хуқуқ соҳасидаги исло-

етказишдир. Қачонки, қонунлар халқ онгига етиб борса, суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотларимиз самара беради. Конференция мазмун-моҳиятидан шу нарса кўриниб турмоқчи, суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотларни ОАВ билан ҳамкорликсиз амалга ошириш қийин. Марказимиз ҳар бир нашр билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «Хуқуқ» муҳбири. Суратлар муаллифи Абдувоҳид ТўРАЕВ**

TAASSUROT

## ЭЛ ДАРДИГА МАЛҲАМ ИЗЛАБ...

Мен кўп жойларда ишлаганман: мактаб, институт, ижрокўм, партия, матбуот, прокуратура. Ҳар қайсининг жамиятдаги ўрнини теран ҳис қилиб, эл қорига ярашга ҳаракат қилганман. Ҳар жойда йиғилиш ўтказиш, маърузалар тайёрлаш, қарор лойиҳаларини тузиш зиммамда эди. Зеро, ҳамма тан олган иш услуби — кенгаш қақирриш, мажлис ўтказиш.

Номигагина ўтказиладиган йиғилишларни кўп кўрганман. Қарор олдиндан тайёрланарди, ҳўжақўрсинга муҳокама, мунозара бўларди. Маълум киши маъруза қиларди ва маълум кишилар музокара учун сўзга чиқардилар. Минбарпарастлар кўпайиб қолган эди. Чиқиш сўзлар олдиндан тайёрланиб, катталар назоратидан ўтарди. Узича бир нима деб қўямасин, тагин.

Бир вақтлар ҳамма мажлислар мақтовдан, раҳбарларга ҳамду сано ўқишдан иборат бўларди. Кейин топшириқ бўлди: йиғилишлар танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтсин. «Мени ҳам танқид қилиб қўйинглар» дерди катталар шунчаки. Ҳатто йиғилишлар ўтказилмай ҳам протоколлар ёзиб қўйлаверарди.

Масълул котиб ёхуд ёрдამчининг вазифаси каттанинг статистика тўла папкасини кўтариш ва протокол ёзишдан иборат эди. Ундаги бошқа сирсиноатлар тўғрисида гапирмай, маъруза эмас. Қисқаси, йиғилишларда ҳеч нарса ҳал қилинмасди. Ҳеч кимнинг зиммасига аниқ вазифа юкламайдиган риторикадан иборат қарорлар «қабул қилинарди».

Бундай мажлисларга чек қўйишни улуг руш шоири Владимир Маяковский бир вақтлар орзу қилган эди: «Қанийди яна битта мажлис ўтказилса, барча мажлисларни йўқ қилиш ҳақида».

Бир партия йиғилишида масаланинг моҳиятини чуқурроқ очиш ва таъсирчанроқ ифодалаш учун байт ўқидим. Музокара учун сўзга чиққан кишини масала эмас, менинг маърузани қандай ўқиганлигим қизиқтирди. «Бироз тез ўқидингиз, причём задержка поэзия» деди. Йиғилишларда ҳикмат айтиш ва шеър ўқиш одат эмас эди.

Ҳайрон қолсан, баъзан оддий идоровий йиғилишлар ҳам муҳим воқеадек талқин қилинади.

Нодир истеъдод соҳиби Абдулла Орипов «Гал битта» номли шеърини:

*«Парво қилманг, бўлмагани тўлдиримиз,*

*Паймонаси тўлмагани тўлдиримиз.*

*Бир вақтлар отар эдик, осар эдик,*

*Энди эса мажлис қилиб ўлдиримиз»,*

— деб бежиз ёзмаганди.

Ҳа, мажлисларда юраги кетиб қолганларни ҳам эшитганмиз. Бақир-чақирдан иборат мажлислар кўп бўларди. Ундок қиламан, мундок қиламан. Лаганбардорларга худо берган эди. Тўралар ходимларни бюро билан қўрқитарди. Бюро қиламан дегани чилесинингни ўқийман дегани эди. Дўстона, босқилқ билан ҳам ҳамма муаммони ҳал қилса бўларди. Довулда кема ҳайдаш ҳалоқатлидир. Буни ҳеч ким тушунишни хоҳламасди.

Не-не лўттибозликларни кўрдим. Шунга иймон келтирдимки, ҳақиқат ва ҳолисона талаб олдида «ғоз юрганлар» қалтираб қолади.

Энди максадга келсак. Мени қалам олишга ундаган кечагина Қашқадарё вилоят прокуратурасида ўтган йиғилиш бўлди.

Маърузачи вазиятни ортиқча эҳтиросларсиз, мантиқан изчил, тўлиқ таҳлил этди. Камчиликларга йўл қўйганлардан тушунтириш ва ўз ҳаракатига изоҳ бериш талаб қилинди. Билмадим, эътиборсизликми, жавобгарлик ҳисси этишмаслигимми? Ёхуд билим савияси лозим даражада эмаслигимми? Дарвоқе, бу ҳақда айтилмади. Андиша. Ҳеч жойда учрамайдиган ўзбекона фазилат.

Жиноятларнинг олди олинаяпти. Қотиллик жинояти тўлиқ фош этилапти. Яъни, жиноятчи қилмишига яраша жазо олапти.

Жазони ўтаб бўлганлар, амнистия шарофати билан жазодан озод бўлганлар ҳам одам. Уларга ҳам шарафати яратилиш керак. Элларвар давлатимиз шуларга ҳам маблағ ажратаяпти. Жиноятчи-да деб ташлаб қўймапти. Одамгарчилик қилапти. Улар тўғри йўлдан юрсалар бас, ният шу.

Не-не корхоналар бозор муносабатига чидай олмаяпти. Омборлардаги моллардан элга не фойда? Қонун нима дейди? Бунга ҳар бир қонун ҳимоячиси ваколати доирасида жавоб излаши керак. Маъмурчилик осонликча бўлмайди. Бизни боқадиган ердан оқилона фойдаланиш керак. Уни учарларга бериб қўймайлик. Умумий миллий бойлигимизни талон-тарож қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Прокурор ҳақиқат ва адолат деб куяди, элга хизмат қилади. Унинг манфаатларини ҳимоя қилади. Яна кимдан? Очқирроғи, худбинлардан. Жамият ва давлатни менсимайдиганлардан. Нопокнинг башарасини элга очик кўрсатади. Бу гоёта савобли иш, бунинг фақат қадрига етмоқ керак.

Жойларга чиқиб одамларнинг дардини тингласанг. Зеро, дарди тингланган эл саодатлидир. Халқ ташвишига лоқайд қарайдиганларнинг танобини тортиб қўйсанг, ким ҳам шикоят қилади.

Прокурор мактабга бораептими? Таълим-тарбия аҳволи билан қизиқаяптими? Бу борадаги қонунлар ижроси қандай аҳволда? Ақс ҳолда ёрқин келажак ҳақида лоф уришлардан фойда йўқ. Муҳтасар қилиб айтганда, прокурор доим уйғоқ бўлиши керак. Мудрамастик лозим. Эл тинч ухласин деб бедор бўлмоғинг — юрак амри.

Мажлиса ўтирарканман, жонқуярлик менга мамнуният бағишлади. Пойдеворсиз бино бўлмайди. Истиқболимиз порлоқ бўлишининг муҳим замини — соғлом муҳит. Шундагина биз орзу қилган юксалиш бўлади.

Довуд МАҲДИЙ

TADQIQOT



## ЧЕТ ЭЛ САРМОЯЛАРИ УЛАРНИНГ СУГУРТА ҲИМОЯСИ

Маълумки, шу йилнинг 4-5 май кунлари Тошкент шаҳрида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Бу анжуманни мустақил мамлакатимиз тарихидаги катта воқеалардан бири десак, муболага бўлмайди. Бугунга қадар ЕТББ иштирокида республикаимизда умумий қиймати 1,4 млрд. АҚШ долларига тенг 20 та лойиҳа амалга оширилди. Бунда банкнинг ҳиссаси 723,8 млн. долларни ташкил этади. Айна пайтада жами қиймати 320 млн. долларлик 8 та лойиҳа молиялаштирилмоқда. ЕТББ Ўзбекистонда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, бозор инфратузилмаларини чуқурлаштириш ҳамда экология масалаларига алоҳида эътибор қаратапти. Анжуман катнашчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига катта баҳо беришди. Бу баҳолар албатта чет эллик сармоядорларни қизиқтириши табиий. Бунинг биринчи омилли юртимиздаги тинчлик ва осойишталик бўлса, иккинчиси эса чет эл сармояларининг Ўзбекистонда ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаланишидир.

Тан олиб айтиш керакки, ҳеч бир ёш мустақил мамлакат иқтисодиёти чет эл сармояси кўмағисиз тараққий этиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликка қадам қўйилган кунлардаёқ иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг биринчи босқичига республикаимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиши, ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатилиши таъминлаш каби асосий вазифалар киритилди. Бунинг учун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича аниқ мақсад-

ни кўзловчи сиёсатни юритишга, чет эллик шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишда корхоналар ва фуқароларга кўпроқ эркинлик беришга асосий масала сифатида қаралди.

Республикаимизда чет эллик сармоядорларнинг фаолият кўрсатиши таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқ-эркинликларини кафолатлаш мақсадида 1994 йил 5 майда «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонун қабул қилинди.

1998 йил 30 апрелда эса бу қонун «Чет эл инвестициялари тўғрисида»-ги қонун деб қайта номланиб, янги тахрирда қабул қилинди.

Бу қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл сармоялари

**Биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш бугунги кунда ислохотлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда муҳим шеригимизга айланган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни кучайтиришга кўпроқ боғлиқ деб биламиз.**

**(Президент Ислам Каримовнинг ЕТББ Бошқарувчилар Кенгаши йиллик йиғилишининг тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқида)**

амалга оширилишининг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаб берди ва шу билан бирга чет эл сармоялари кириб келишини рағ-

батлантиришда муҳим роль ўйнади. Халқаро нормадаги қонунлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш, чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини жалб этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш каби вазифаларни таъминлайди.

Ушбу қонун қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда кўплаб хорижий давлатлар билан ҳамкорликда қўша корхоналар ташкил қилинди ва бу корхоналар ҳозирги кунда республикаимизнинг иқтисодиётини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

«Чет эл сармоялари тўғрисида»-ги қонуннинг 3-моддасига кўра чет эллик сармоядорлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадаган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл сармояларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл сармоялари деб эътироф этилиши белгиланган. Демак, чет эл сармоядорларнинг фаолияти бевосита тадбиркорлик билан боғлиқ экан, уларни фаолияти давомида келиб чиқадиган хавф-хатардан сугурта қилиш «Чет эл сармоялари тўғрисида»-ги қонуннинг 16-моддасида кафолатлаб қўйилди.

Чет эл сармояларини сугурта қилиш сиёсий таваккалчиликлардан, яъни мулкни экспроприация қилиш, шунингдек, хорижий шерикнинг мамлаката жорий этган, мулкнинг олиб қўйилишига ёки бошқа шахсга ўтказилишига оид маъмурий қораларни ўз ичига олувчи хавфлардан сугурта ҳимояси кафолатларини таъминлайди.

Чет эл сармоядорлари юқоридаги каби сугурта хавфларидан ташқари қонун билан тақиқланган бошқа сугурта хавфларидан ҳам Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари билан тенг ҳуқуқий равишда сугурта ҳимояси ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Республикаимизда чет эл сармояларининг бундай сугурта ҳимоясини олиниши уларнинг ўз фаолиятларини ишончли бошқаришларига кенг имкониятлар яратди. Ҳозирги кунда республикаимизда фаолият кўрсатаётган энг йирик сугурта компаниялари «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси, «Мадад» сугурта агентлиги, «Кафолат» давлат акциядорлик сугурта компанияси, «Узагросугурта» компаниялари чет эл сармояларига ана шундай сугурта хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Албатта бундай қонунларни янада такомиллаштириш республикаимизда чет эл сармояларининг эркин фаолият олиб боришига ва республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришга ўз самарасини кўрсатади деб ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Нилуфар МАВРУЛОВА,  
Тошкент молия институти  
3-курс талабаси

Суратда: Тошкент бизнес маркази биноси.

А.ТўРАЕВ олган сурат

**«НУҚУҚ» ИЙ**  
**Маслаҳатхона**

E-mail: huquq@Infonet.uz 133-82-34, 133-98-82

**КЕРАКЛИ ОДАМ**

Милиция ходимлари томонидан ўтказиладиган тадбирда неча марта ҳолис сифатида қатнашиш мумкин?

**А. ИСРОИЛОВА,**  
Янгийўл шаҳри, Кирпичный кўчаси 15-уй

Фуқаролар ҳолис сифатида фақат суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар (кўздан кечириш, мурдани эксгумация қилиш ва ҳоказо) ўтказилганини ва ушбу жараён натижаларини тасдиқлаш учунгина жалб этилади. Бунда ҳолис мазкур жараённинг бошидан охиригача қатнашиши шарт. Қонунда муайян ҳолиснинг неча мартаба тергов ҳаракатларида иштирок этиши аниқ белгиланмаган. Агар суд муҳокамасида тергов ҳаракатлари бўйича турли шубҳа ёки тушунмовчиликлар пайдо бўлса, у ҳолда шу терговда иштирок этган ҳолис суд махлисига чақирилиши ва гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин.

**УЛУШЛИ МУЛК**

Корхонамиз 1993 йили жамоа авзоларининг қўшган ҳиссалари асосида ташкил этилган эди. Орадан йиллар ўтиб, кимнингдир улуши ортди, кимдир эса улушини олиб чиқиб кетди. Бугунги кунга келиб, ана шу ҳиссалар асосида шакланган мулкдан раҳбарларимиз ўз билангина фойдаланиб келишяпти. Сабабини сўрасак, улар кўпроқ ҳисса қўшган эмас. Шундай бўлган тақдирда ҳам улар бу мулкдан истаганича фойдаланиш ҳақлими?

**Зокир ОРТИКОВ,**  
Қашқадарё вилояти Касби тумани

Фуқаролик кодексининг 218-219-моддаси талабига кўра, улушли мулкдаги мол-мулк унинг барча иштирокчиларининг келишувини билан тасарруф этилади.

Улушли мол-мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш унинг барча иштирокчилари келишувига мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Сиз улушингиз қўшилган мулкдан улушингизга мос равишда фойдаланиш, бунинг иложи бўлмаганда эса бошқа иштирокчилардан тегишли ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эгасиз.

**АЙБСИЗ ШАХСНИНГ АЙБИ**

Корхонамизда 1992-1997 йиллари ишлаган Н. исмида ҳаммаси катта миқдордаги мол-мулкни ўзлаштириб, қочиб кетган эди. Бизга бу ҳолат маълум бўлгач, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилдик. Аризамиз қабул қилинган, ЖЖнинг 167-моддаси 4-қисми бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошланди. Лекин асосий айбдор қочиб кетганига бос тергов вақтинча тўхтатилиб, унга нисбатан қидирув эълон қилинди. Орадан олти йилдан кўпроқ вақт ўтгач, қидирув эълон қилинган одам қайтиб келди ва етказилган моддий зарарни тўлади. Аммо шу вақтда чиққан амнистия актига кўра унга жазо белгиланмади. Энди шу тўғрисида?

**Ш. ҚОСИМОВ,**  
Фарғона вилояти

Жиноят кодексига шахс қонунда белгиланган тартибда исботланган ижтимоий ҳавфли қилмишлари учунгина жавобгарликка тортилиши шартлиги белгиланган. Шу билан бирга айбсизлик презумпцияси деган принцип бор. Бу презумпция ҳақиқатан ҳам шахснинг хатти-ҳаракатига суд томонидан тегишли равишда ҳуқуқий баҳо берилмасдан туриб, яъни суднинг қонуний қучга кирган ҳукми сиз шахсни у ёки бу хатти-ҳаракатини содир этишда айбли деб топиш мумкин эмаслигини назарда тутса-да, лекин муайян қилмишнинг содир этишда айбланаётган ва тергов олиб борилаётган пайтда эълон қилинган амнистия актига кўра мазкур қилмиш учун белгиланган жазодан озод қилинган тақдирда ҳам бу шахс айбсиз деб топилмайди. Хусусан, тилга олинган шахсга нисбатан 1997 йили ЖЖнинг 167-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлигига оид жиноят иши қўзғатилганлиги ва орадан 6 йил ўтгач қайтиб келиб, жамоага келтирган 450 минг сўм миқдоридаги моддий зарарни ихтиёрий равишда тўлашининг ўзи унинг содир этган қилмишига иқроор бўлганлигини билдиради. Чунки, агар шахс қилмишига иқроор бўлмаганда келтирилган зарарни тўламаслиги ҳамда қўлланган амнистия актига нисбатан норозилик билдириб, судга шикоят қилиши ва иш умумий асосларда (ЖПКнинг 84-моддасида белгиланган тартибда) давом эттирилиши мумкин эди. Шу жиҳатдан қараганда, шахснинг айбллик масаласига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тегишли ҳуқуқий баҳо берилган.

**НАФАҚА МИҚДОРИ ҚАНЧА?**

Ходимнинг 2002 йил октябрь ойида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб ишга чиқмаган даври учун неча сўм ҳисобланади? 2000 йил ва 2001 йилдаги иш ҳақи оширилганидан сўнг ўсган фойзалар кейинги ҳомилидорлик ва туғиш бўйича меҳнатга қобилиятсизлик варақаси учун нафақа ҳисобланаётганда инobatга олинадими?

**Р. САЪДУЛЛАЕВ,**  
Ҳазорасп тумани «Эркин» жамоа ҳўжалиги

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври учун тўланадиган нафақа ходим ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг қайси тоифасига киришига қараб белгиланади. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февраль кунги 71-қарорига мувофиқ, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар қуйидагича белгиланган:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган ходимларга, байналмилал жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар учун 18 ёш) тўлмаган уч нафар ва ундан ортиқ фарзанд бўлган ходимларга, Чернобыль АЭСи аварияси натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан кўчирилган ва нурланиш касалига чалинган ходимларга, шунингдек, ишда шикастланиш ва касб касаллиги оқибатида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган ходимларга — ойлик иш ҳақининг тўлиқ миқдорига;

б) ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар бўйича ҳисобда турувчи ходимларга, улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадаллари тўлаб келиниши муддати (умумий иш стажига) қараб — ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача миқдорда;

в) қолган ҳолларда давлат ижтимоий суғурта бадаллари тўлаб келиниши муддати (умумий иш стажига) қараб — ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан 80 фоизигача миқдорда тўланади.

Ҳомилидорлик ва туғиш бўйича нафақалар тўлови мазкур вақтда амалда бўлган иш ҳақидан (шунингдек, ушбу нафақалар учун белгиланган фойзалардан) келиб чиқиб ҳисобланади.

**НИКОҲ ТАҚДИРИ**

Бундан бир неча йил олдин бедарак йўқолиб одам билан тузилган никоҳ бекор қилинган бўлса, лекин орадан йиллар ўтиб, у қайтиб келса, аввалги никоҳни тиклашни мумкинми?

**М. АЛИМОВ,**  
Наманган шаҳри

Мумкин. Лекин бунинг учун шахсни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги суд қарори бекор қилиниши лозим. Ана шундан кейингина эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра, уларнинг никоҳлари ФХДЭ органи томонидан тикланади. Агар эр (хотин) бунгача янги никоҳга кирган бўлса, никоҳни тиклаш мумкин эмас. Эски никоҳни тиклаш фақат кейинги никоҳ бекор қилингандан кейингина бўлиши мумкин.

**МЕНИНГ ТУРАРЖОЙИМ**

Мен яқинда Тошкентдаги қариндошимизникига уй юмушларида ердاملлаш учун борган эдим. Зарурат юзасидан у ерда бир ойдан кўпроқ вақт қолишга тўғри келди. Шунда ҳудуд милиция нозирлари келиб паспорт режими бузётганимни ва икки кун ичида бу ердан чиқиб кетишимни ёки бўлмаса, рўйхатга туришим кераклигини айтишди. Нима учун бундай қилиш керак? Мен бу ерда вақтинчага келганиман-ку. Милиция ходимларининг айтганини қиладиган бўлсам, ўз турур жойим рўйхатидан чиқушимга тўғри келмайdimи?

**О. ШОКИРОВА,**  
Андижон вилояти Избоскан тумани

Бу ҳолатда милиция ходимларининг сизга қўйган талаблари тўғри. Чунки турур жойини доимий ёки вақтинча ўзгартирган шахс бу тўғрида ИИБдан тегишли тартибда рўйхатдан ўтиши лозим. Бунда шахс доимий яшаб турган жойидан бошқа жойда уч кундан ортиқ вақт бўлганда, доимий турур жой рўйхатидан (пропискдан) чиқмаган ҳолда айна пайтда яшаб турган жойда вақтинча рўйхатда туриши шарт. Бу муддат 3 кундан 6 ойгача ни таъкил этади. Агар шахснинг бошқа жойда бўлиши 6 ойдан ошадиган бўлса, вақтинча бошқа жойда рўйхатда туриш доимий турур жой рўйхатидан чиқарилган ҳолда амалга оширилади.

**ФАРЗАНД ТАҚДИРИ**

Оила кодексига никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз, аёллар учун ўн етти ёш қилиб белгиланган. Лекин ҳаётда баъзан волега етмасдан туриб фарзанд кўриш ҳоллари ҳам учраб туради. Бундай ҳолатда ота-она ва фарзанднинг тақдир қандай бўлади?

**Ш. ЗОКИРОВА,**  
Бекобод шаҳри

Бундай боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан оладган шахс ва онанинг ФХДЭ органига биргаликда берган аризасига биноан белгиланади. Шундан сўнг волега етмаган ота-она ўн олти ёшга тўлишлари билан ота-оналик ҳуқуқини мустақил равишда амалга оширилади. Бунгача эса болани волега етмаган ота-онаси билан бирга тарбиялаш учун васий тайинланиши мумкин. Гарчи Оила кодексига неча ёшдан бошлаб ота-она бўлиш мумкинлиги белгиланмаган бўлса-да, агар боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарурат юз бермаса, волега етмаган ота ва она бола билан бирга яшаш ҳуқуқига эга.

**ИШ ҲАҚИМ НИМА БЎЛАДИ?**

Мен механизациялашган жамланмада 5-разрядли электрик бўлиб ишлаганман. Иш ҳақим юқори эди. Лекин 1970-1976 йилларга оид иш ҳақим ҳақидаги маълумотномани ололмадим. Сабаби, барча хужжатлар ёнғин тўғрисида йўқ бўлиб кетган экан. Шундай бўлса-да, ишлаган давримни тасдиқлаб беришни сўраб жамланма мамуриятига мурожаат қилганимда, улар менга хужжатлар қўшиб кетганини тўғрисида маълумотнома беришди. Шу тўғрисида нафақага чиқишимда менга энг кам нафақа миқдори белгиланган. Йўқ бўлиб кетган хужжатларни тиклаш учун нима қилса бўлади?

**Валижон МИРЗАЛИЕВ,**  
Чуст тумани АХҚШЛОГИ

«Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги қонуннинг 31-моддаси талабига кўра, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олиннадиган ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисида ҳеч қандай маълумот бўлмаса, нафақа миқдори иш стажига учун энг кам ойлик иш ҳақига қараб ҳисоблаб чиқилади. Шунингдек, ушбу қонунда белгиланишича, иш вақтини ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаган ходимларнинг пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи миқдори Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фондига тўланган ижтимоий суғурта бадаллари миқдорига қараб аниқланади.

*Меҳнат интизоми ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ва муқофотлаш усуллари билан нормал тарзда ишлашга зарур ташкилий ва иқтисодий шароитларни яратиб бериш, ноинсоф ходимларга нисбатан жазо чораларини қўллашни орқали таъминланади.*

(Ў.Р. Меҳнат кодексининг 179-моддаси)

**ҲАДЯ ТЕКИНИМИ ЁКИ?..**

Мен бир жиянимга тирикчиликда фойдаланиб юриши учун ўз автомашинами ҳада қилмоқчи эдим. Агар бу автомашинани унга совға қилсам, ҳада учун солиқ солинадими? Ҳадяни расмийлаштириш учун қаерга мурожаат этиш керак?

**Н. РАЖАБОВ,**  
Фарғона шаҳри

Солиқ кодексининг 58-моддаси талабига кўра, ҳадя қилиш натижасида олинган суммалар ва мол-мулк қийматига солиқ солинади. Ҳадяни расмийлаштириш учун эса нотариал идораларга мурожаат этиш лозим.

**ПУЛЛИ МЕҲНАТ**

Озодликдан маҳрум этилган шахс мажбурий меҳнатга жалб этилганда унга ҳақ тўланадими?

**З. КАМОЛДИНОВ,**  
Тошкент шаҳри

Албатта ҳақ тўланади. Меҳнат нормаларини тўлиқ бажарган маҳкумга ҳисобланган иш ҳақи унинг шахсий ҳисоб варағига ўтказилади.

Бунда ушбу ҳисоб вараққа ёзилган иш ҳақининг камида йигирма беш фоизи, олтимиш ёшдан ошган эркаклар ва эллик беш ёшдан ошган аёлларнинг, I ва II гуруҳ ногиронларининг, ҳомилидор аёлларнинг ҳамда жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйида боласи бор аёлларнинг, шунингдек, манзил-колониялар ва тарбия колонияларидаги маҳкумларнинг ҳисоб варағига эса камида эллик фоизи ўтказиб берилади.



JUMBOQLI DUNYO

«УТЕРГЕЙТ» МОЖАРОСИ

Бешала кўлфубзар демократик партия штаб-квартирасида нима қилиб юрганлигини ошкор этиш жуда қийин кечди: жиноят ишини ҳаспўшлаш учун нақд Оқ уйнинг ўзида кенг миқёсда операция бошланган эди. Одатдаги ўғирлик содир этилган деган тахмин зўр берилган илгари суриди. Аммо журналистлар Боб Вудворд ва Карл Бернштейннинг қатъий ҳаракатлари тўғрисида бутун дунё ҳақиқатдан бохабар бўлди. АҚШ Бош прокурори Жон Митчелл 1969 йилдаёқ президент Никсоннинг атрофидагилар суднинг санкциясиз унинг сиёсий муҳолифларининг телефондаги сўхбатларини эшитишлари тўғрисида гапирган эди. Бошқа бир сигнал 1970 йилнинг июлида янграган. Айнан ўша пайтда Никсон махфий хизмат ходимларига демократ-конгрессменларнинг мақолаларини кўздан кечириш ва санкциясиз тинтув ўтказиш тўғрисида топшириқ берган эди. Ҳокимият ишתיки билан ёнган Никсон шу тариха кўплаб пинҳоний кутқулар иштирокчисига айланган қолганди. Оқ уйдаги телефон ёзувларидан маълум бўлишича, унинг топширигига биноан жинойи гуруҳларнинг

тушиб қолган бу ҳужжатлар илгариги маъмуриятнинг Вьетнамга оид сиёсатига тааллуқли бўлса-да, буларнинг бари ўзига қарши қаратилганга Никсоннинг ишончи қомил эди. Буларга барҳам бериш учун у махсус махфий хизмат ташкил этди. «Водопроводчилар» номи билан танилган бу тузилмага унинг якин маслаҳатчилари ва ёрдамчилари киришди. Сантехник сифатида иш кўрган уларнинг барчаси кейинчалик «Утергейт» можаросининг иштирокчилари бўлиб қолди. Никсоннинг ёрдамчиси Жон Эрлихманнинг асосий вазифаларидан бири президентнинг энг фаол йигирма нафар сиёсий муҳолифининг рўйхатини тузиш эди. Ушбу рўйхатнинг бошида сенатор Эдвард Кеннеди турарди. Махфий хизмат ҳатто президент учун ноқулай бўлган кишиларни ўлдирши, шунингдек, демократларнинг митингларини барбод қилиш вараионтларини ҳам муҳокама қилган. Демократик партия миллий қўмитасининг штаб-квартираси яширин эшитиш қурилмалари билан жиҳозланган аниқланган, газеталар можаронинг муҳим тафсилотларини эълон қила бошлашди. Булар президентнинг бевосита топшириги билан амалга оширилгани барчага маълум эди. «Утергейт» сўзи гиром сиёсатчиларнинг фириблари ва коррупциянинг рамзи бўлиб

лосаи америка халқининг ишончига оқламаган президент номига қатъий айбонга сингари янгради. Унда Ричард Никсон ўзини президентга хос бўлмаган тарзда тутганлиги, АҚШ конституцион тузуми асосларини бузганини айтилиб, лавозимдан олиниши ва суд олдида жавоб бериши лозимлиги таъкидланган эди. Шундай оғир айбонлар қўйилётганига қарамай Никсон истеъфого чиқини рад этди. «Нима бўлган тақдирда ҳам истеъфого чиқмакчи эмасман, чунки мени бу лавозимга америка халқи сайлаган», — деди у. Бироқ «Утергейт» можароси қор кўчиси сингари шиддатга эга эди. Оқ уй маъмурияти ходимларидан бири Александр Баттерфилд Никсон 1970 йилдан бери Оқ уй хоналаридаги барча сўхбатлар ва телефон орқа-

лади. 1973 йилнинг февраль ойи охирига келиб «Утергейт иши» бўйича тергов олиб борувчи комиссия президентнинг айбини тасдиқловчи барча зарур ҳужжатларни кўлга киритди. Бунга қўшимча равишда Никсоннинг солиқ тўлашдаги қонунбузарликлари, шунингдек, Флорида ва Калифорния штатларида дала ҳовли қуриш учун давлатнинг жуда катта миқдордаги маблағидан фойдаланганлиги маълум бўлиб қолди. 1974 йил июнь ойидан Никсон амалда Оқ уйдан ташқарига чиқолмай қолди. Жон Эрлихман ва бошқа «водопроводчи»лар фиритна-кашликда айбандилар. АҚШ Олий суди яқдиллик билан Никсон ўзи яшириб қўйган олтиш тўртта магнитофон ёзувини топшириши лозимлиги тўғрисида қарор чқарди.



ИСТЕЪФО

1974 йилнинг 9 августини Никсон умр бўйи ёдидан чиқармаган бўлса керак. Чунки бу сана у ҳокимият тепасида турган охириги кун эди. Конгресс импичмент эълон қилишини билиб Никсон тўғрисида жунбўшга келган ҳолда истеъфого чиқини тўғрисида ариза ёзди ва аламли ва синиққан қайфият билан кадрдон штатига қайтди.

Аммо вақт ўтиши билан изларни қор босиб, барчаси унутилди. Бугунги кунда кўпчилик сиёсатчилар Ричард Никсон буюк давлат арбоби эди деб ҳисоблайдилар. Никсоннинг сиёсатчи сифатида қайта тугилиши Оқ уйдан кетганидан бир ой ўтиб, тарафдори ва издоши Жеральд Форд унинг президентлик курсида ўтириб содир этган барча қилмишларини кечирганидан сўнг бошланди. Шундан кейинги йилларда Никсон «Утергейт»нинг даҳшатини юмшатишга ҳаракат қилди. У бироз қатъийроқ ҳаракат қилганимда юз берган вазиятдан чиқиб кетишим мумкин эди деб таъкидлашдан чарчамасди.

«Бугун кўплаб чалкашликлар ва ўтиб бўлмасдек туолган қийинчиликлар, атрофимдаги кишиларнинг ўзини тутишларини эслаб, англадимки, хатога йўл қўйибман ва ўша йиллари қатъиятсизлик билан, ўйловсиз ҳаракат қилибман... Биламан, кўплаб виждонли одамлар менинг «Утергейт» можароси пайтидаги ҳаракатларимни ноқонуний деб ҳисоблайдилар. Энди билишимча, айнан менинг хато ва иккиланишларим шундай баҳоларнинг шаклланишига имкон яратган экан... Бу Ричард Никсоннинг сўзлари. Ёлгончилиги ва фирибгарлиги билан танилган Ричард Милхаус Никсон шу тариха ўз айбини тан олмай, 1994 йилнинг 22 апрель кунини чин дунёга рихлат этди.

Интернет хабарлари асосида  
Хасан НИШОНОВ тайёрлади

# ПРЕЗИДЕНТ НИКСОННИНГ ИСТЕЪФОСИ

каллакесарлари урушга қарши намойишларни тарқатиш билан шуғулланган. «Бу пацифистларнинг калласини мамнуният билан узиб ташлайдиган йигитлар бор», — деган эди яқин ўтмишда ўзи ашаддий пацифист бўлган президент. Сайловнинг навбатдаги туридан олдин Никсон айрим давлат амалдорларининг солиқ тўловлари тўғрисидаги маълумотни талаб қилади. Ёрдамчилари бу маълумотларни солиқ департаментидан қандай олиш кераклиги ҳақида сўраганда Никсон: «Каллаварамлар! Тунда яширинча киришлар!» — деб жавоб берган.

«Утергейт» билан боғлиқ биринчи воқеа 1971 йили Пентагоннинг махфий маълумотлари матбуотда эълон қилинганидан сўнг юз берган эди. Қандайдир йўллар билан «Нью-Йорк таймс»нинг кўлига

қолди. 1974 йили тергов ўзининг драматик якунига яқинлашган пайтда Оқ уйнинг кўплаб юқори мартабали амалдорлари, ҳатто вице-президент Спиро Агно ҳам ишга жалб қилинган эди. Уларга хизмат маъқеини суистеъмоъл қилиш ва порахўрлик айби қўйилаётганди.

ИМПИЧМЕНТ

«Мен фирибгар эмасман», — деган эди Никсон телевидение орқали чиқишида. Лекин аширинча магнитофонга эъиб олинган сўхбатлар ва сўроқ протоколлари умуман бошқа нарсадан дарак беради. Сенат ва вакиллар палатаси президентни ҳокимиятдан четлаштириш йўлидаги дастлабки қадамларни ташлади. Вакиллар палатасининг қонунчилик комиссияси импичментни маъқуллади. Унинг ҳу-

ли мулоқотларни яширинча эъиб олиб келаетганлиги тўғрисида хабар берди. Конгресс барча ёзувларни беришни талаб қилди, аммо Никсон ижрочи ҳокимият ваколатига эга эканлигини пеш қилиб, бунга қатъий рад этди. Бироқ бошқа йўли қолмаганлигини англаб, конгрессга ёзувлардан парчаларни тақдим этмоқчи бўлди. Тергов учун маъсۇл этиб тайинланган давлат айбловчиси Арчибалд Кокс ён беришни хоҳламади. Ҳазаби қайнаган Никсон уни ишдан четлатиб, ўрнига айтганини бўйин товламай бажарадиган Бош прокурор Роберт Боркни тайинлади. Бу қарашда президентнинг мағлۇбиятга учраши аниқ бўла бошлаган эди. Охирикитаб ёзувларнинг ҳаммаси конгресс иштироғига топширилди. Улар Никсон ўз халқининг ишончини суистеъмоъл қилганлигини тасдиқ-

# ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

ўртасидаги яхши қўшнчилик муносабатлари ва ҳамкорликнинг ривожланиб бориши нафақат минтақада, балки бутун дунёда хотиржаллик ва барқарорликнинг қарор топишида муҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтди. Шунингдек, у «Шанхай бешлиги» механизмини мукамаллаштириш, хавфсизлик, терроризм ва экстремизмга қарши курашда, савдо-иқтисодий соҳаларида кўп томонлама ҳамкорлик, халқаро майдондаги буюкдавлатчилик ва сиёсий тазйик ўтказиш иллатларига барҳам бериш, кўп кутбли дунё сари интилиш каби тақлифларни ўртага ташлаган эди. Учрашув сўнггида томонлар «Душанбе декларацияси»ни имзолашди.

2001 йил 15 июль. «Шанхай бешлиги» тарихи Марказий Осиёдаги яна бир салоҳиятли давлат ҳисобига кенгайди. Шанхайда бўлиб ўтган анъ шу ағжуманда Хитой, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлатлари иштирокида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ташкил тоналгани тўғрисидаги декларация имзоланди.

Ўтган йиллар 7 июнда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган ШХТнинг иккинчи саммитида ташкилот фаолиятини белгилаб берувчи муҳим ҳужжат — Хартия имзоланди. Шунингдек, ташкилотнинг минтақавий аксилтеррор тузилмаси (марказ)ни ташкил этишга келишиб олинди.

Ташкилотнинг охириги саммитида эса ўнга яқин ҳужжатлар тасдиқланиб, Хартиянинг муайян йўналишларига аниқликлар киритилди. Шунингдек, ШХТнинг бошқарув ва ишчи органларини ташкил этиш борасида келишиб олинди. ШХТнинг ижрочи котиби этиб Хитойнинг Россиядаги элчиси Чжан Дагуан тайинланди. Бундан ташқари, саммитда ШХТ рамзий белгилари (эмблема ва байроқ) тасдиқланди. Бошқача айтганда, мазкур саммитда ШХТнинг ҳуқуқий пойдевори қурилиши яқунланди.

Президентимиз журналистларга берган интервьюсида Москва саммити натижалари Ўзбекистоннинг мақсад ва манфаатлари доирасида четга чиқмаганини айтиб ўтган эди. Ҳўш, Ўзбекистоннинг ШХТга аъзоликдан ва Москва саммитидаги

иштирокидан кўзланган мақсадлари, манфаатлари, ушбу ташкилот тақдирига муносабатини нималарда кўринади? Аввало, шунини айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистоннинг бу борадаги қарашлари ШХТга аъзо бошқа давлатлар қарашларидан фарқ қилмайди. Зеро, янги минг йилликда ШХТнинг олдида турган улуг вазифалар — инсоният бошидан урушлар хавфини даф қилиш, абадий тинчликка эришиш, тараққиёт, барқарорлик ва фаровон истиқбол учун курашдан иборатдир. Мамлакатимиз манфаатлари ҳам хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар, транспорт коммуникациялари масалаларида акс этади.

Президент Ислоом Каримовнинг фикрича, ШХТ фақат ана шу масалаларга эътибор қаратиш билан чекланиши мумкин эмас. Ташкилотни турли сиёсий йўналишлардан, гуруҳбозликлардан, блокларга бўлинишдан сақлаш керак. ШХТнинг давлатимиз манфаатлари билан ҳамоҳанг яна бир жиҳати, унинг халқаро террорчилик, диний экстремизм ва айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида кўринади. Бундан буюн ҳам ушбу йўналиш ШХТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолади. Айнан мана шу муаммоларга ечим топиш учун ташкилот қошида Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (марказ) тузилиди. Унинг қароғоғи мамлакатимиз пойтахтида ташкил этилади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқаро барқарорликка қарши янги тақдирлар майдонга чиқаетган, низолар ва хавфларнинг ҳусусияти тубдан ўзгариб бораётган, дунёнинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация қиёфасида фундаментал ўзгаришлар ясайдиган чўқур жараёнлар рўй бераётган бир пайтда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг ўрни бекиёс. Унинг минтақадаги таъсири йиллар ўтган сайин муттасил ортиб бораверади.

Шерзод ЗУФАРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва Жамият қурилиши академияси тингловчиси

**HUQUQ**  
YURIDIK GAZETA

**Ta' sischilar:**  
O'zbekiston Respublikasi  
Bosh prokuraturasi,  
Toshkent shahar va  
Toshkent viloyati  
prokuraturalari,  
«Qonun himoyasida» jurnali

**Bosh muharrir:**  
Abduxoliq  
ABDURAZZOQOV

**Tahrir hay'ati:**  
Bahriddin Valiyev,  
Dilshod Islomov  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Jahongir Sharofboyev  
(mas'ul kotib),  
Lola Shomurodova,  
Hasan Inoyatov,  
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot  
qo' mitasida №00150 raqam  
bilan ro'yxatga olingan.  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

**Manzil:** Toshkent shahri,  
akademik Yahyo G'ulomov  
ko' chasi, 66-uy.  
**Telefon:** 133-82-34.  
**Reklama va e'lonlar:**  
133-82-34  
**E-mail:** Info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo' lyozma  
va suratlar egalariга  
qaytarilmaydi.  
Mualliflarning fikrlari  
tahririyat fikridan farqlanishi  
mumkin.  
Nashrimizdan ko' chib  
bosilganda «Huquq» dan  
olinganligi ko' rsatiliishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik  
materiallar \*\* belgisi ostida  
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter  
bazasida terildi va sahifalandi.  
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida ofset usulida A-3  
formatda chop etildi.  
Korxonа manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko' chasi, 41.

Buyurtma Г - 516  
Nusxasi — 13623  
Gazeta haftaning chorshanba  
kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir:**  
H. NISHONOV

Sotuvda erkin narxda

**1 2 3 4 5 6 7 8**

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00  
Bosmaxonaga topshirildi 18.00

